

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Тиб.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХРОРОВА МАЛИКА ШАВКАТОВНА

**COVID-19 (SARS-CoV-2)ДА ОҒИЗ БЎШЛИГИДАГИ ШИЛЛИҚ БИЛАН
БОҒЛАНГАН ЛИМФОИД ТЎҚИМА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд– 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ахророва Малика Шавкатовна

COVID-19 (SARS-COV-2)да оғиз бўшлиғидаги

шиллик билан боғланган лимфоид тўқима

кўрсаткичлари..... 3

Ахророва Малика Шавкатовна

Показатели мукозаассоциированной

лимфоидной ткани полости рта

при COVID-19..... 21

Ахророва Малика Шавкатовна

Indicators of mucose-associated oral

lymphoid tissue in

COVID-19 (SARS-CoV-2)..... 39

E’lon qilingan ishlar ro’uxati

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХРОРОВА МАЛИКА ШАВКАТОВНА

**COVID-19 (SARS-CoV-2)ДА ОҒИЗ БЎШЛИГИДАГИ ШИЛЛИҚ БИЛАН
БОҒЛАНГАН ЛИМФОИД ТЎҚИМА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд– 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib1549 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек,рус,инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ризаев Жасур Алимджанович**
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Шаковец Наталья Вячеславовна**
Тиббиёт фанлари доктори профессор (Беларусь)

Юлдашев Абдуазим Абдувалиевич
Тиббиёт фанлари доктори профессор

Етакчи ташкилот: **С.Ж. Асфандиёров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли илмий кенгашининг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс (366)6623775; e-mail: ilmiyprorektor@sammi.uz.)

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс 6623775 (366)

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.У. Лутфуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Қ.Э. Шомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгирлиги. Дунёда бугунги кунда Коронавирус касаллиги 2019 (COVID-19) ва периферик аъзоларнинг у билан боғлиқ ва организмнинг тез-тез намоён бўлиб турадиган тизимли иммун ва цитокин реакциясидан келиб чиқадиган асоратлари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан ҳозиргача мисли кўрилмаган, жиддий, глобал пандемия, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимининг ҳал қилинмаган тиббий-ижтимоий ва иқтисодий муаммоси сифатида эътироф этилади. ЖССТ маълумотларига кўра, «2022 йилнинг 6 февраль ҳолатига, Ер юзида 392 миллиондан ортиқ инсонда COVID-19 аниқланган, ўлим ҳолатлари сони эса 5,7 млндан ошган»¹. Ушбу касалликни COVID-19нинг инсон хужайраларига кириб боришини изоҳлайдиган мураккаб патофизиологик механизмларни тўла-тўқис англаб, ҳам тизимли, ҳам маҳаллий иммуно-яллиғланиш реакцияларини ўрганиб комплекс даволаш замонавий вирусологиянинг олдида турган энг машаққатли ва оламшумул йўналишларидан биридир ва ҳозиргача бу муаммонинг ечими топилмаган.

Жаҳонда айти пайтда COVID-19 касаллигини ташхислаш ва даволаш бўйича тасдиқланган қатор глобал ва миллий стратегиялар, сертификатланган вакциналар мавжуд, лекин «оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ўзгаришлари шаклидаги клиник ҳолатлар инобатга олинса, COVID-19 нинг оғиз бўшлиғини бевосита зарарлаш ва сўлак безлари ёки оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида кўпайиш қобилятини ўрганиш масаласи ҳал қилинмаган» дейиш мумкин. Маълумки, «турли анатомик участкаларда ангиотензин-ўзгартирадиган 2-типли фермент (ACE-2) рецепторлари кенг кўламда ифодаланган бўлиб, у коронавирус 2 оғир ўткир респиратор синдромининг (SARS-CoV-2) одам хужайраларига кириб боришида муҳим роль ўйнайди ва тўқималар шикастланишига олиб келади». Бироқ, «ACE-2 рецепторлари оғиз шиллиқ қавати эпителиал хужайраларининг кератинланган юзасида, айниқса, тилнинг дорсал қисми эпителиал хужайраларида юқори даражали экспрессияга эгаллиги инобатга олинса», оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги ўзгаришларни ўрганишга бағишланган илмий ишлар камлигига амин бўламиз.

Мамлакатимиз аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматни такомиллаштириш борасида, жумладан COVID-19 нинг клиник шакллари ва кечишини оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг дастлабки ҳолатини организмнинг иммун ва яллиғланиш реакциялари белгилари билан уйғунликда ўрганиш ва аниқлаш орқали комплекс ташхислаш масаласи жаҳон амалиётининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. SARS-CoV-2 да оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати бошланғич саломатлиги ҳолатининг касаллик шакли, клиник натижаси ва тикланиш даврига бевосита/билвосита пропорционал таъсирини ўрганиш, шунингдек, оғиз бўшлиғидаги бактерия турларининг бошланғич нисбий сони ва яллиғланишга қарши цитокин жавоб ўртасидаги алоқадорлик, ушбу касалликнинг клиник кечиши билан маҳаллий

¹ World Health Organization – Weekly operational update on COVID-19 - 30 November 2021. Available at: <https://www.who.int/publications/m/item/weekly-operational-update-on-covid-19-30-november-2021>.

иммун жавоб орасидаги боғлиқни аниқлаш юзасидан ўтказилаётган кўп сонли илмий тадқиқотлар давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаш-тириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ 3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 августдаги 461-сон «Коронавирус инфекциясини юқтирган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда дунё бўйлаб ривожланиши замирида SARS-CoV-2 ётган асоратлар сони муттасил ошиб бормоқда. Бу патология аломатларсиз кечиши ёки енгил шакли билан тавсифланади, ўртача 10% беморда пневмония ривожланади ва уларнинг кўпи механик вентиляцияга эҳтиёж сезади (Ragad D., 2020; Pitones-Rubio V., 2020; Castagnoli R., 2020). Маълумки, сўлак безлари ACE-2 рецепторларининг потенциал резервуарлари сифатида (бу сўлакда РНК SARS-CoV-2 аниқлангани билан изоҳланади) касалликнинг асимтоматик кечишига олиб келади ва ўз навбатида босқичма-босқич ўпканинг шикастланишига сабаб бўлади (Xu J., 2020). Транскриптомларнинг сўнгги таҳлили оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида юқори даражадаги ACE-2 ва трансмембран протеаза мавжуд бўлиб, бу оғиз бўшлиғини SARS-CoV-2 кирадиган асосий дарвоза сифатида ҳисоблашга асос беради (Iebba V., 2021).

Бугунги кунда COVID-19 билан боғлиқ асоратлар даражаси нисбатан баланд экани сабабли касалликнинг клиник шакллари, жумладан, юқори хавф тоифасига мансуб беморларни ўз вақтида ташхислаш, хасталикнинг клиник кечишини прогноз қилиш ва клиник ҳолат оғирлигига мувофиқ келадиган дори терапиясини танлаш мураккаб ва бахсли масалалигича қолмоқда (Hajizadeh F., 2021; Lloyd-Jones G., 2021; Huang N., 2021). Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг SARS-CoV-2 га қарши маҳаллий иммун жавоби тараққиёти ва роли билан боғлиқ COVID-19 ривожланиши масаласи ҳам ҳозиргача мунозаралар мавзусидир. Маълумки, SARS-CoV-2 ҳам бурун

эпителийси, ҳам бодомсимон безлар ва аденоидлар орқали кириб юқори нафас йўллари зарарлайди, бу эса бурун-ҳалқум шиллиқ пардалари ва лимфоид тўқималарнинг иммун-яллиғланиш жавобини юзага келтиради (Brandtzaeg P., 2015).

Мамлакатимизда пародонт касаллиги билан оғриган SARS-CoV-2 беморининг аҳволи ACE-2 регуляциясининг пасайиши, ACE ва ангиотензин II ўсиши сабабли ёмонлашиши мумкин, бу эса бир неча яллиғланиш омилларининг жалб қилинишига олиб келади. Шу билан бирга, адабиётларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг SARS-CoV-2 пайтидаги маҳаллий яллиғланиш жавоби ривожланишидаги роли кам эсланади (Czerkinsky S., 2011). Шиллиқ қават юзасидаги секретор иммуноглобулин А (sIgA) организмга шиллиқ қават орқали кирадиган вирусларга қарши курашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани узоқ вақтдан бери маълум ва бу ҳолат аломатли ва ёки кам аломатли COVID-19 билан оғриган беморлар оғиз бўшлиғида анти-SARS-CoV-2 sIgA нисбатан кўп аниқланиши билан исботланган ($p=0,02$) (Caselli E., 2020). Маълум қилинишича, микробиомнинг Prevotella, Lactobacillus, Carnocytophaga, Porphyromonas, Abiotrophia, Aggregatibacter ва Atopobium каби таркиби IgA билан ўзаро алоқага киришади ва унинг турли анатомик тузилмалардаги жавобига таъсир кўрсатади (Salk H., 2016; Grosserichter-Wagener S., 2019; Pabst O., 2020).

Охирги йилларда адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, COVID-19нинг касаллик фаол босқичидаги клиник шакллари оғиз бўшлиғи микрофлораси ва оғиз бўшлиғи шикастланишини замонавий клиник сўровлар ёрдамида ўрганиш, шу билан бир пайтда, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг маҳаллий иммун-яллиғланиш реакцияси белгиларини таҳлил қилиш асосида тўғри аниқлаш ва клиник кечишини прогнозлаш масалалари ҳозиргача мунозараларга сабаб бўлмоқда, бу эса даволаш тактикасини такомиллаштиришни талаб қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000260 “Юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятга эга инсон касалликларининг олдини олиш, диагностикаси ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш” (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 билан оғриб ўтган беморлар оғиз бўшлиғининг мукозал иммунитетини ўрганиш орқали стоматологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш, ҳамда даволаш ва профилактикага қаратилган чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19да оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати шикастланишининг клиник кўринишларини аниқлаш;

COVID-19 билан касалланган беморлар оғиз бўшлиғининг мукозал иммунитетини хусусиятларини (иммун ҳимоясининг маҳаллий маҳсус ва номаҳсус кўрсаткичлари) аниқлаш;

COVID-19 билан оғриган беморлар сўлагидаги яллиғланишга қарши асосий иммуноцитокин курсаткичларини баҳолаш;

COVID-19 билан касалланган беморларга кўрсатиладиган стоматологик ёрдам курсатишни такомиллаштиришга қаратилган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021 йилнинг июнь ойидан 2021 йил октябригача Самарқанд вилоят юқумли касалликлар шифохонаси тақсимот марказида даволаниб чиққан 105 нафар беморлар олинди.

Тадқиқотнинг предметини веноз қон, капилляр қон, иммунологик тадқиқотлар учун қон зардоби ва гистологик ва морфологик таҳлил учун сулак суюклиги ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-инструментал, цитологик, гистологик, аналитик, ижтимоий (сўровнома), микробиологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 билан касалланган беморлар оғиз бўшлиғининг мукоз билан ассоциацияланган лимфоид тўқимасининг узига хос клиник-иммунологик жиҳатлари асосланган;

COVID-19дан кейин клиник тикланиш даври билан оғиз бўшлиғи шиллик қавати саломатлигининг бошланғич ҳолати ва касалликнинг клиник кечиши орасида корреляцион боғликлиги аниқланган;

COVID-19 билан касалланган беморлар сўлагидаги секретор иммуноглобулин А титри билан COVID-19 касаллигининг клиник кечиши орасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланган;

COVID-19 билан касалланган беморларда умумий ва маҳаллий IL-6, IL-17, TNF- α цитокин курсаткичлари концентрацияси ошиши сабабли, оғиз бўшлиғи микрофлорасининг бузилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шкалани баҳолашга асосланган клиник сўровнома ўзини оғиз бўшлиғи шиллик қавати саломатлигининг бошланғич ҳолатини баҳолашда ишончли ва аниқ скрининг усули сифатида намоён қилиши исботланган;

COVID-19 оғирлиги ва кечишини ташхислашда яллиғланишга қарши белгилар концентрацияси ва маҳаллий иммун жавобни аниқлаш самарадорлиги баҳоланган;

шкалани баҳолашга асосланган сўровнома усулидан оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг маҳаллий иммун жавоби белгиси – секретор иммуноглобулин А ва яллиғланишга қарши цитокинлар IL-6, IL-17, TNF- α кўрсаткичини аниқлаш билан уйғунликда фойдаланиш касалликнинг клиник шаклини ташхислаш ва кейинги клиник кечишини прогноз қилишнинг махсус усули экани исботланган;

шиллик қаватининг бошланғич ҳолатини комплекс ва махсус баҳолаш COVID-19дан тикланиш даврини аниқлашда енгиллик бериши маълум бўлган;

оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг дастлабки ҳолатини ташхислаш ва COVID-19 билан оғриган беморлардаги клиник шакллар, касалликнинг кечиши ва тузалиш даврини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида қўлланилган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, тасдиқланган замонавий, бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи клиник-лаборатор, инструментал, гистологик усуллар ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, ўтказилган таҳлиллар натижаларининг аниқлиги ва статистик ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган маълумотларни халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги, хулосалар ҳамда олинган натижаларнинг асосланганлиги ва уларнинг ишончлилиги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти амалий тиббиёт учун муҳим бўлиб, олинган маълумотлар ва чиқарилган хулосаларнинг изчил назарий қийматга эгаллиги билан баҳоланади ва улар COVID-19нинг турли клиник шакллари ва кечишларига хос сабаб ва оқибат алоқаларини ўрганиш, С-реактив оксил қиймати, COVID-19дан тузалиш даври билан оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг бошланғич саломатлиги ҳолати ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилиш, шунингдек, сўлакдаги секретор иммуноглобулин А титри билан COVID-19 клиник кечиши ўртасидаги корреляцион алоқаларни аниқлаш, цитокин белгилар - интерлейкин-6, интерлейкин-17, α -ўсма некрози омили ва оғиз бўшлиғи микрофлорасининг бузилиши ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш ишига катта ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, қўлланилган шкалалар баҳолашга асосланган клиник сўровнома оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг маҳаллий иммун жавоби - секретор иммуноглобулин А ва яллиғланишга қарши белгилар (интерлейкин-6, интерлейкин-17, α -ўсма некрози омили) даражасини аниқлаш билан биргаликда оғиз бўшлиғи шиллик қавати саломатлигининг бошланғич ҳолати ва оғирлик даражасини комплекс баҳолаш, шунингдек, COVID-19 касаллигининг клиник кечиши ва ундан тузалиш даврини босқичма-босқич прогнозлашга қаратилган ишончли тахшишлаш алгоритмининг ишлаб чиқишга имкон яратди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. COVID-19да оғиз бўшлиғининг мукоз билан ассоциацияланган лимфоид тўқимасига хос клиник-иммунологик жиҳатларни аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

"COVID-19 да оғиз бўшлиғи асоратларини ташхислаш ва даволаш алгоритми" методик тавсиялари ишлаб чиқилди (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 13 декабрь 2021 йилдаги №8 н-з/548-сонли маълумотномаси). Таклиф қилинган тавсияларни қўллаш периферик аъзоларнинг COVID-19дан кейинги асоратларини ташхислаш, турли клиник шаклга эга беморларни ўз вақтида аниқлаш ва касалликнинг клиник шаклидан келиб чиқиб беморларни консерватив даволашни такомиллаштиришга имкон берди;

"COVID-19нинг ўткир ва инфекциядан кейинги босқичларида оғиз шиллик қавати шикастланишининг клиник кўринишларини ўрганиш учун электрон дастур" яратилди (№DGU 12072; 29 июнь 2021 йил). Ушбу дастур оғиз шиллик қаватининг турли хил шикастланишларини касалликнинг дастлабки даврида аниқлашга имкон беради;

ушбу патология аниқланган беморларни даволаш юзасидан олинган илмий натижалар Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси ва Тошкент шаҳридаги 1-сонли стоматология клиникаси ДУК амалий фаолиятига тадбиқ қилинди (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 13 декабрь 2021 йилдаги №8 н-з/548-сонли маълумотномаси).

Таклиф этилган тавсияларни ишлаб чиқилган ташхислаш алгоритмини ҳисобга олган ҳолда қўллаш COVID-19 билан оғриган беморларда оғиз шиллиқ қаватининг турли клиник шикастланишлари, клиник шакллари ва кечишини касалликнинг дастлабки кунларидаёқ фарқлаш имконини берди, бу эса консерватив даволашни касалликнинг клиник шаклларида келиб чиқиб оқилона ташкил қилишга ҳисса қўшди, шунингдек, COVID-19 асоратлари даражасини 70,4%дан 2,5%гача камайтириш ва ўлим даражасини пасайтиришга хизмат қилди.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 7 та, жумладан, 4 халқаро ва 3 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини нашр қилиш. Диссертасия мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 6 та мақола, улардан 3 та республика ва 3 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатсия комиссиясининг диссертасиялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Илмий иш замонавий стоматологиянинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш, жумладан, клиник сўровномадан оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг маҳаллий иммун ва яллиғланиш жавобларини ўрганиш усуллари билан уйғунликда фойдаланиб, COVID-19 билан оғриган беморларда дастлабки кунлардан касалликнинг оғирлик даражасини комплекс аниқлаш, унинг клиник кечишини прогнозлашга бағишланган.

Кириш бобида диссертация ишининг долзарблиги ва талабгирлиги асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг мамлакатимиз илм-фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқ келиши кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги исботланган, илмий янгилик сифатидаги хусусиятлари ва амалий натижалари, апробация ва илмий изланиш натижаларининг чоп этилиши, диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "**COVID-19да оғиз бўшлиғи касалликларини ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш муаммоларининг ҳозирги ҳолати**" деб номланган биринчи боби адабиётлар таҳлиliga бағишланган. Унда Covid-19 этиологияси, патогенези, тарқалиш даражаси,

клиник кўринишлари, ташхислаш ва даволаш усуллари мавзусида яратилган илмий ишлар хронологик тартибда ёритилган ва таҳлил қилинган. Кўплаб илмий манбаларни таҳлил қилган муаллиф уларнинг афзалликлари ва камиликларини аниқлаб, стоматологиянинг ушбу долзарб масаласи юзасидан тадқиқотларни давом эттириш зарурлигини асослаб берган.

Диссертациянинг **"Тадқиқот объектлари ва материаллари, фойдаланилган усуллар тавсифи"** деб номланган иккинчи бобида COVID-19 билан оғриган шахсларга беморлар оғиз бўшлиғининг мукозал иммунитетини ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб кўрсатиладиган стоматология ёрдамни такомиллаштириш, комплекс даволаш-профилактика чора-тадбирларини асослашга хизмат қиладиган клиник материал, тадқиқот усуллари тавсифланган.

Саралаш ҳажми 2021 йилнинг июнь ойидан 2022 йилнинг январигача Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонаси тақсимот марказининг инфекция бўлимида даволанган 254 нафар бемордан шакллантирилди, уларнинг 105 нафари киритиш мезонларидан келиб чиқиб тадқиқотларга жалб қилинди. Барча беморларда COVID-19 учун олинган полимераза занжир реакцияси тести ижобий натижа берган. Россиянинг "АмплиСенс® Cov-Bat-FL" тест тизимидан фойдаланиб ўтказилган лаборатория текширувлари буни тасдиқлади.

Илмий иш дизайни анкета сўровномаси асосидаги кесишма тадқиқот замирига қурилди (1-расмга қаранг)



Ушбу сўровнома қуйидаги демографик маълумотларни ўз ичига олади: жинс, ёш, вазн, бўй, таълим даражаси ва саломатликнинг умумий ҳолати.

Сўровнома икки қисмга бўлинган:

1) Биринчи қисм оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолатини баҳолаш мақсадида ўтказилган тадқиқот натижаларидан ташкил топган 1-жадвалга қаранг).

2) Иккинчи қисм телефон қўнғироғи ёрдамида олинган COVID-19 оғирлиги даражаси маълумотларидан иборат.

Тадқиқотнинг истисно мезонлари қуйидагилардир:

- анамнезидаги сурункали кашандалик;
- тана массаси индекси $\geq 35 \text{ кг/м}^2$ яққол семизлик;
- ҳомиладорлик;

• ёндош касалликлар (қандли диабет, юрак-қон томир касалликлари, артериал гипертензия, сурункали буйрак етишмовчилиги, сурункали обструктив ўпка бронхити, иммуносупрессив терапия билан назорат қилинадиган касаллик).

Ҳамма беморларнинг оғиз бўшлиғи кундалик визуал текширувдан ўтказилди, касалликнинг клиник кечиши ва хусусиятлари, ҳарорат даражаси, интоксикация аломатлари қайд қилиб борилди. Оғиз бўшлиғи бошланғич ҳолатининг COVID-19 оғирлик даражасига бирламчи якуний нуқта сифатида таъсир кўрсатишини баҳолаш мақсадида оғиз бўшлиғи ҳолати балли тизим асосида талқин қилинди. Сўровнома 18 саволдан иборат эди. Умумий балл 0 дан 37 гача ораликда шакллантирилди ва юқори балл оғиз бўшлиғи саломатлигининг яхши ҳолатда эканини билдирди.

1-жадвал

Касалхонага ётқизилган COVID-19 беморларининг оғиз бўшлиғи шиллик қаватидаги ўзгаришлар (n=105)

Ўзгариш турлари	n (%)
<i>Оғиз бўшлиғи шиллик қавати ўзгаришлари</i>	91 (86,6)
<i>Тил шиллик қавати пиллакчаси</i>	90 (85,7)
<i>Парагевзия</i>	64 (60,9)
<i>Милкнинг юқори ва пастки жагга маҳкамланадиган соҳасидаги пигментация</i>	45 (42,8)
<i>Ангуляр хейлит</i>	26 (24,7)
<i>U-шаклидаги папиллит</i>	15 (14,3)
<i>Ёноқ шиллик қаватининг геморрагик кўринишлари</i>	13 (12,4)
<i>Лентиго</i>	13 (12,4)
<i>Афтоз стоматит</i>	11 (10,5)
<i>Глоссалгия</i>	7 (8,5)
<i>Тил шиши</i>	8 (7,6)
<i>Оғиз бўшлиғи кандидози</i>	7 (6,6)
<i>Мукозит</i>	6 (5,7)
<i>Қаттиқ танглай пигментацияси</i>	5 (4,7)
<i>Ўчоқли депапляцияга эга глоссит</i>	5 (4,7)

Микробиологик тадқиқотларни амалга ошириш учун биологик материал –оч қоринга ёки овқатлангандан кейин 2-3 соат ўтиб ва бактерияга қарши дори воситалари қабул қилишдан аввал оғиз бўшлиғи шиллик қаватидан суртма (мазок) олинди. Текширувдан олдин беморларга нонушта қилиш, тишларни тозалаш, оғиз бўшлиғини чайиш таъқиқланди. Микробиологик тадқиқотлар

Соран (Италия) компаниясининг WASP қурилмасидан фойдаланиб, зич озуқавий мухитга экиш усулида ўтказилди. Микроорганизмлар идентификацияси Германиянинг Brucker компаниясида ишлаб чиқарилган Microflex Brucker MALDI Biotyper қурилмасидан фойдаланиб, масса-спектрометрия усулида амалга оширилди.

Оғиз бўшлиғи мукоид тўқимасининг SARS-CoV-2 нисбатан маҳаллий жавоби мавжудлиги масаласи беморлар оғиз бўшлиғидан олинган суюқликдаги sIgA (Saliva ELISA kit, Euroimmun, Любек, Германия) миқдорини аниқлаш ёрдамида ўрганилди. sIgA ушбу вируснинг S1 оқсилга қарши ишлаб чиқарилади. Аввалроқ тестнинг қон зардоби/плазма (>95%) ва кўз суюқлигидаги IgA ни аниқлашга нисбатан юқори даражадаги сезувчанлик ва ўзига хосликка эга экани маълум қилинганди [211; с. 374]. Оғиз бўшлиғидан олинган намуналар физиологик эритмада 1:5 нисбатда аралаштирилди ва бу жараён IgA ни етарли даражада аниқлашга имкон берди. Ҳар бир намуна уч мартадан қайта баҳоланди. Ишлаб чиқарувчи йўриқномасига мувофиқ, ижобий намуна уларда аниқланган ҳажмий ютилиш қиймати (OD450 нм) билан ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим қилинган ва намуналарда аниқланган калибратор тимсоли ўртасидаги муносабатда (R) ифодаланди. Агар R қийматлари <0,8, R қийматлари 0,8 дан 1,1 гача заиф ижобий ва $R \geq 1,1$ кўрсаткичларида сезиларли ижобий бўлса, намуна салбий (манфий) ҳисобланди.

ELISA иммунофлуоресцент таҳлилларидан фойдаланиб, оғиз бўшлиғи намуналаридан қуйидаги цитокинларни аниқлаш ва миқдорини белгилаш мақсадида тадқиқотдан ўтказилди: IL-6, IL-17, TNF- α (Thermo Fisher Scientific, Life-Technologies, Милан, Италия).

Олинган натижаларни статистика нуқтаи назаридан қайта ишлаш шахсий компьютерда Стьюдент мезонлари (t-тест) ва корреляция таҳлили талаблари асосида Microsoft Excel 2007 дастуридан фойдаланиб амалга оширилди.

Диссертациянинг **"COVID-19да оғиз бўшлиғи ва оғиз бўшлиғи саломатлигининг бошланғич ҳолатидаги ўзгаришлар хусусиятларини баҳолаш. Клиник ва гематологик таҳлиллар натижалари"** деб номланган учинчи бобида клиник ва лаборатория тадқиқотлари натижаси келтирилган.

Барча ҳолатларда экишнинг микологик таҳлили ўтказилди ва у 6,6% беморда ижобий натижа кўрсатди ($n = 7$). Шиллиқ қаватнинг бошқа кўринишларига келсак, 10,5% беморда афтоз стоматит ($n = 11$) ва 5,7% шахсда мукозит қайд этилди ($n = 6$). 8,5% бемор ($n = 7$) тил ёки бутун оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида "оловланиш" ҳисси билан кечадиган глоссалгиядан шикоят қилди.

Бундан ташқари, тил шиллиқ қаватининг энг кўп учраган ўзгаришларидан бири яққол ангуляр хейлит бўлиб, у 26 (24,7%) беморда оғиз соҳаси шиллиқ қаватининг ёрилиши, қобиқланиши ва қизариши билан тавсифланди.

Беморларнинг 60,9 фоизида ($n = 64$) таъм сезувчанлигининг бузилиши, тегишли кўзғатувчи бўлмаса ҳам таъм билиш ҳиссининг пайдо бўлиши – парагевзия аниқланди, бу аломатлар кузатувнинг 5-кунидан кейин 81% беморда ($n = 85$) кўпинча ҳид билишнинг бузилиши – паросмиядан шикоят


қилиш билан кечди. Бундан ташқари, 10,5% (n = 11) беморда ҳид сезиш қобилияти йўқолгани - аносмия кузатилди.

COVID-19 кечиши оғирлиги бўйича тақсимланган кичик гуруҳлар таҳлили шуни кўрсатдики, оғиз бўшлиғи гигиенасининг бошланғич ҳолати яхши, қониқарли ва ёмон деб баҳоланган беморларда кузатувларнинг биринчи ҳафтасида касаллик тегишли равишда 79,4%, 17,4%, 3,2% ҳолатларда енгил кечди. Оғиз бўшлиғи гигиенасининг бошланғич ҳолати яхши, қониқарли ва ёмон деб баҳоланган беморларда касаллик тегишли равишда 9,1%, 25,7%, 65,2% ҳолатларда оғир кечди.

Кузатувларнинг иккинчи ҳафтасида оғиз бўшлиғи гигиенасининг бошланғич ҳолати ёмон деб баҳоланган беморлар гуруҳидаги вазият оғиз бўшлиғи гигиенасининг бошланғич аҳволи яхши беморларга (5,9%) (p<0,001) нисбатан олганда, 73,8% ҳолатда ёмонлашган. Шунингдек, оғиз бўшлиғи гигиенасининг бошланғич даражаси қониқарли беморлар иккинчи ҳафтага бориб, касалликнинг клиник кечиши 20,3 % ҳолатда ёмонлашганига гувоҳ бўлишди, бу эса оғиз бўшлиғи гигиенасининг бошланғич ҳолати ёмон деб баҳоланган беморларникига нисбатан сезиларли миқдорда паст (p <0,001). Тегишли равишда, касалхонада ўтказилган иккинчи ҳафтада оғиз бўшлиғи гигиенасининг бошланғич аҳволи яхши, қониқарли ва ёмон беморларнинг тегишли равишда 80,9%, 14,4% ва 4,7% ида да касалликнинг енгил кечиши қайд қилинган (1-расмга қаранг).

Иккиламчи якуний нуқта таҳлили

Клиник кузатишларнинг тўртинчи ва олтинчи ҳафтасида COVID-19 нинг оғиз бўшлиғи бошланғич ҳолати ёмон беморларининг клиник тикланиши (мос равишда 41,2% ва 48,4%) оғиз бўшлиғи бошланғич ҳолати яхши беморларга нисбатан (мос равишда 8,9% ва 5,3%) нисбатан кўпроқ қайд қилинди. Тезроқ тузилиш даври эса (кузатувларнинг иккинчи ҳафтасида) оғиз бўшлиғи бошланғич ҳолати ёмон беморларга нисбатан (10,4%) (p <0,001) COVID-19 нинг оғиз бўшлиғи бошланғич ҳолати яхши беморларида сезиларли даражада кўп (85,8%) учради (2-расмга қаранг).



2-расм. Иккиламчи якуний нуқтани ўрганиши. Оғиз бўшлиғи саломатлиги бошланғич ҳолатининг клиник тузалиш даври билан ўзаро боғлиқлиги. **p <0,001

Икки ҳафтагача бўлган клиник кузатувлар давомида оғиз бўшлиғи бошланғич ҳолати қониқарли беморларнинг клиник тузалиши, ушбу тоифага

кирганларнинг тўрт ҳафталик (33,4%) ва олти ҳафталик (9,8%) кузатувлар даврига нисбатан олганда, 56,8% ҳолатда қайд қилинди (2-расмга қаранг).

Таъкидлаш ўринлики, оғиз бўшлиғи саломатлигининг бошланғич ҳолати ва COVID-19 билан оғриган беморларнинг клиник тузалиши даври ўртасидаги манфий корреляция алоқаси аниқланди ($p < 0,001$, $r = -0,614$) (2-жадвал).

2-жадвал

Оғиз бўшлиғи саломатлигининг бошланғич ҳолати ва клиник тузалиши даври ўртасидаги корреляцион алоқа (n=105)

Кўрсаткич		Клиник тикланиш даври	
Оғиз бўшлиғи саломатлигининг бошланғич ҳолати	<i>r</i>	-0,614	
	<i>P</i>	0,001	
	<i>n</i>	105	

Клиник кузатувларнинг олтинчи ҳафтасида клиник тикланиш даври частотасининг кечиши COVID-19нинг оғир даражаси гуруҳидаги беморларда касалликнинг клиник кечиши энгил беморлар гуруҳидагига нисбатан (9,5%) анча юқори бўлган (50,0%) (3-жадвалга қаранг).

Кузатувларнинг иккинчи ҳафтасида COVID-19 касаллигининг клиник кечиши энгил беморлар гуруҳида, оғир даражали гуруҳга нисбатан олганда (8,3%) ($p < 0,001$), клиник тикланишлар 7 марта кўп кузатилган, кузатувларнинг тўртинчи ҳафтасида COVID-19 касаллигининг клиник кечиши энгил беморлар гуруҳида клиник тикланиш 19,0% ҳолатда қайд қилинган бўлса, касаллик оғир кечаётган гуруҳда бу кўрсаткич 41,6% ($p < 0,001$) ни ташкил қилди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

COVID-19 оғирлик даражасининг клиник тикланиши даврига таъсири (n=105)

Ўрганишнинг иккиламчи якуний нуқтаси			COVID-19 оғирлик даражаси		<i>P</i>
			Оғир даража	Энгил даража	
Клиник тикланиш даври	6 ҳафта	<i>n</i>	42	2	<0,001
		%	50,0%	9,5%	
	4 ҳафта	<i>n</i>	35	4	
		%	41,6%	19,0%	
	2 ҳафта	<i>n</i>	7	15	
		%	8,3%	71,2%	
Умумий кўрсаткич		<i>n</i> (%)	84 (80%)	21 (20%)	

3-жадвалдан кўришиб турибдики, 57 (54,3%) беморда эозинофиллар даражаси пасайган. Лейкоцитлар қийматининг ошиши 10 (9,5%) беморда кузатилган, шу билан бирга, касалхонага ётқизишда лейкоцитлар миқдорининг ошиши қайд қилинмаган, 15 (14,3%) беморда лейкоцитлар сонининг камайиши аниқланган. Шунингдек, 16 (15,2%) беморда лимфоцитлар концентрацияси пасайгани қайд қилинган. Таъкидлаш керакки, адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра [215; 217-221 б], айрим беморларда лейкоцитлар, лимфоцитлар ва эозинофиллар концентрациясининг пасайиши COVID-19нинг қон/иликли суяк кўмиғи илдиз хужайраларига CD13 ва CD66 билан ўзаро алоқага киришиш ва иммун

комплекслар ва антитаналарни қўзғатиш орқали бевосита таъсир кўрсатиши боғлиқ бўлиб, бу илдиз хужайралари шикастланишига олиб келади.

68 нафар беморда фибриоген кўрсаткичларининг ошгани аниқланди (ошган фибриогеннинг ўртача қиймати $5,96 \pm 1,6$ г/л). Адабиётларда келтирилган маълумотларни, назорат гуруҳига нисбатан олганда, COVID-19 ташхиси билан статистик кўтарилган фибриноген кўрсаткичларига қиёсан солиштириш мумкин [216; 1116-1120 -бетлар]. Таҳлил натижаларига кўра, D-димернинг ўртача қиймати $337,4 \pm 94,7$ нг/млни ташкил қилди ва бу кўрсаткич 70 шахсда (66,7%) кўтарилганлиги аниқланди, бу ҳам Wang Y.D. et al тадқиқотларидан олинган хулосаларга ҳамоҳангдир [217; 245-247, 218; с. 1708-1720, 219; 455-462, 220; 1519-1528, 221, 222; 0256744, 223-б].

COVID-19 билан оғриган беморларда СРО қийматининг ошгани ҳам алоҳида эътиборни талаб қилади. Шу билан бирга, СРО ўртача кўрсаткичи $38,1 \pm 24,7$ мг/дл эди. Саралашга ёндош касалликлари мавжуд беморлар киритилмагани инобатга олинса, қондаги СРО қийматининг ошиши организмнинг COVID-19 билан ўзаро таъсирга киришганда ўткир яллиғланишли тизимли жавоб бергани билан бевосита боғлиқдир.

Диссертациянинг "**COVID-19**да оғиз бўшлиғи микрофлораси ва иммунологик статусини баҳолаш" деб номланган тўртинчи бобида юқори микрогнатияни пастки макрогнатия билан биргаликда жарроҳлик йўли билан даволашнинг асосий босқичлари ва тамойиллари ёритилган. Юқори микрогнатияни пастки макрогнатия билан биргаликда комплекс даволаш ишлаб чиқилган схема бўйича икки босқичда амалга оширилди ва у ортогнатик жарроҳ, анестезиолог, ортодонт, оториноларинголог, ортопед стоматолог, психолог ва кўрсатмаларга кўра бошқа мутахассислар иштирокини талаб қилади.

Даволашнинг амбулатор босқичи ортодонт, орал жарроҳ, оториноларинголог, психолог ва кўрсатмаларга кўра амбулатория-поликлиника бўғини даражасидаги бошқа мутахассислар иштирокини талаб қилади.

Стационар босқич: ортогнатик жарроҳ, анестезиолог, ортодонт, ортопед стоматолог, психолог ва стационар кўрсатмаларга кўра бошқа мутахассислар иштирокини талаб қилади. Юқори микрогнатиянинг кўпинча пастки макрогнатия билан узвийликда келишини инобатга олиб, беморларнинг жарроҳлик муолажаси юқори жағ комплекси ва умуман юз скелетидаги эстетик ва морфологик ўзгаришлар, шунингдек, ҳар бир гуруҳ беморлари юзининг қайси тоифага мансублигидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Маълумки COVID-19да иммунитет хужайралар бўғинида сезиларли ўзгаришлар юзага келади ва улар Т-лимфоцитлар умумий таркибининг пасайиши билан ифодаланади [215; 217-221б]. Шунингдек, гуморал иммунитет ҳолати дисиммуноглобулинемия билан тавсифланади. Шиллик қаватлардаги sIgA организмга шиллик қаватлар орқали кирган вирусларга қарши курашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани анчадан бери маълум [99; 10972-10979 б]. Шунга кўра, оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг SARS-CoV-2

қарши иммун жавоби ривожланишини баҳолаш мақсадида оғиз секрециясининг IgA даражаси назорат гуруҳига қиёсан ўрганилди.

Сўлакдаги IgA қиймати. Оғиз шиллик қаватида IgA кўрсаткичининг статистик жиҳатдан сезиларли ўсиши, назорат гуруҳининг ушбу натижалари билан таққослаганда ($p=0,004$), COVID-19 билан оғриган 73/105 (69,5%) беморда аниқланди. Олинган маълумотларга кўра, 105 бемордан 21 нафариди (20,0%) sIgA нинг жуда юқори концентрацияси ($> 2,0$) аниқланди, 105 бемордан 22 нафариди (21,0%) sIgA нинг оралик қийматлари қайд қилинган бўлса (0,8-2,0), 106 беморнинг 62 нафариди (59,0%) sIgA нинг чегаравий қиймати ($<0,8$) ёки sIgA нинг мавжуд эмаслиги кузатилди ($p=0,004$). Касалликнинг клиник кечиши турлича бўлган кичик гуруҳлардаги беморлар оғиз бўшлиғи мукоид тўқимасининг яллиғланиш реакцияси даражаси алоҳида эътиборни тортди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

COVID-19 да сўлакда турли даражадаги sIgA учраши ($n=105$)

Беморларнинг умумий сони, n=105		sIgA даражаси	P
n%	21(20%)	$> 2,0$	$<0,001$
	22 (21%)	0,8-2,0	
	62 (59%)	$<0,8$	

Изоҳ. sIgA – Секретор иммуноглобулин А.

Алоҳида эътирофга молик жиҳат шуки, sIgA нинг статистик аҳамиятга эга юқори титри қайд қилинган 21/105 шахсда (20,0%) COVID-19 нинг энгил клиник кечиши аниқланди, бу эса sIgA нинг сўлакдаги концентрацияси ва касалликнинг клиник кечиши оғирлиги ($r = - 0,474$; 95% ИИ- 0,546-0,034; $p = 0,004$) ўртасида қарама-қарши корреляция мавжудлигидан далолат беради (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал


COVID-19 оғирлик даражаси ва сўлакдаги sIgA қиймати орасидаги корреляцион алоқа ($n=105$)

Кўрсаткич	R	sIgA даражаси	95% ИИ
COVID-19 оғирлик даражаси	R	-0,474	-0,546-0,034
	P	0,004	
	n	105	

Изоҳ. sIgA – секретор иммуноглобулин А; ИИ – ишонч интервали.

Яллиғланиш жавоби белгиларининг аҳамияти. "Цитокин бўрони" деб аталадиган яллиғланиш реакцияси COVID-19нинг оғир кечишидан далолат беришини инобатга олиб, оғиз бўшлиғида яллиғланишга қарши цитокинлар чиқарилиши ўрганилди. Янада аниқроқ айтилса, COVID-19 билан оғриган беморларнинг қонида аниқланган тўрт асосий цитокин/хемокинлар қиймати таҳлил қилинди: IL-6, IL-17 и TNF- α .


Олинган натижалар COVID-19 беморларидаги IL-6 ($p=0,004$) қиймати, назорат гуруҳидаги шундай маълумотларга нисбатан олганда, сезиларли даражада баландлигини кўрсатди. (3-расмга қаралсин)



Изоҳ. IL-6 – интерлейкин-6.

3-расм. COVID-19 ва назорат гуруҳларидаги беморлар оғиз бўшлиғида интерлейкин-6 (пг/мл) концентрацияси


Шунингдек, COVID-19 билан оғриган беморларда, назорат гуруҳининг худди шундай кўрсаткичларига нисбатан олганда, IL-17 нинг статистик аҳамиятга молик юқорирок миқдори қайд қилинди (4-расмга қаралсин).



Изоҳ. IL-17 – интерлейкин-17.

4-расм. COVID-19 ва назорат гуруҳларидаги беморлар оғиз бўшлиғида интерлейкин-17 (пг/мл) концентрацияси

Бундан ташқари, COVID-19 билан оғриган беморлар ва назорат гуруҳининг TNF- α концентрациясида статистик аҳамиятга молик фарқ аниқланди ($p=0,002$), бу эса COVID-19 билан касалланганлар оғиз бўшлиғи мукоид тўқимасининг яллиғланиш жавоби нисбатан яққолроқ эканини таъкидлайди ($p=0,105$) (5-расмга қаранг).



Изоҳ. TNF- α – α -ўсма некрози омили.

5-расм. COVID-19 ва назорат гуруҳларидаги беморлар оғиз бўшлиғида TNF- α (пг/мл) концентрацияси

Оғиз бўшлиғи мукоид тўқимасининг цитокин яллиғланиш реакцияси оғиз бўшлиғи микрофлораси бузилиши билан бевосита корреляцияга эгалигини кўрсатди, бу эса оғиз бўшлиғи дисбиозини COVID-19 касаллиги оғир кечишининг ривожланишида муҳим прогностик аҳамият касб

этишини билдиради ($r = 0,522$; 95% ИИ - 0,323-0,721; $p = 0,002$) ($p < 0,01$) (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал

Мукоид тўқиманинг яллиғланиш жавоби ва оғиз бўшлиғи микрофлорасининг бузилиши ўртасидаги корреляцион алоқа

Кўрсаткич		Оғиз бўшлиғи микрофлорасининг бузилиши	95% ИИ
Цитокин яллиғланиш жавоби	<i>R</i>	0,522	0,323-0,721
	<i>P</i>	0,002	
	<i>N</i>	105	

Тадқиқот натижалари COVID-19 нинг клиник кечиши ва ушбу касалликдан тикланиш даврини оғиз бўшлиғининг бошланғич ҳолатидан келиб чиқиб прогнозлаш алгоритмини тузишга имкон берди. Таъкидлаш ўринлики, COVID-19да оғиз бўшлиғи саломатлигининг қониқарли аҳволи (шкала 15-23) касалликнинг енгил ёки оғир кечишини белгилаб бериши мумкин, бу эса ушбу тоифа беморларига уларнинг клиник ҳолати оғир даражагача етиб бормаслиги учун алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади.

ХУЛОСА

"COVID-19 (SARS-CoV-2)да оғиз бўшлиғидаги шиллик билан боғланган лимфоид тўқима кўрсаткичлари" мавзусида амалга оширилган фалсафа доктори (PhD) диссертацияси тадқиқотлари натижаларига таяниб қуйидаги хулосалар шаклланди:

1. Ретроспектив таҳлил маълумотларига кўра, COVID-19да оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг шикастланиши 91 беморда (86,6%) учради. Тил шиллик қаватининг пилакчаланиши (85,7%), парагевзия (60,9%), милкнинг юқори ва пастки жағга маҳкамланиши соҳасидаги пигментацияси (42,8%), ангуляр хейлит (24,7%) оғиз бўшлиғи зарарланишининг энг кўп учраган кўринишлари каторида қайд қилинди.

2. Касаллик энгил кечаётган беморларда sIgA титрининг статистик аҳамиятга эга юқори даражаси аниқланди, бу эса сўлакдаги sIgA концентрацияси ва мазкур касалликнинг клиник кечиши оғирлиги ўртасидаги қарама-қарши корреляциядан далолат беради ($r = -0,474$; 95% ИИ- 0,546-0,034; $p = 0,004$). COVID-19 беморлари қонидаги IL-6, IL-17, TNF- α қиймати назорат гуруҳининг ушбу қийматига нисбатан олганда статистик жиҳатдан юқорилиги маълум бўлди ($p=0,004$; $p=0,025$; $p=0,002$), бу эса COVID-19 беморлари оғиз бўшлиғи мукоид тўқимасининг яллиғланиш жавоби нисбатан яққолроқ намоён бўлишини таъкидлайди.

3. Оғиз бўшлиғининг цитокин яллиғланиш жавоби оғиз бўшлиғи микрофлорасининг бузилиши билан бевосита корреляцияга эга бўлиб, бу ҳолат оғиз бўшлиғи дисбиозининг COVID-19 касаллигининг оғир кечиши ривожланишида муҳим прогностик аҳамият касб этади ($r = 0,522$; 95% ДИ - 0,323-0,721; $p = 0,002$) ($p < 0,01$).

4. COVID-19 билан касалланган беморларга кўрсатиладиган стоматологик ёрдам курсатишни такомиллаштиришга қаратилган дастурни клиник амалиётга тадбиқ қилиш натижасида 2-ҳафтасида COVID-19 энгил кечаётган беморларнинг клиник тикланиши (71,2%) касалликнинг оғир шакли билан оғриганларга нисбатан (8,3%) ($p < 0,001$), 7 марта кўпроқ қайд қилинди, кузатувларнинг 4-ҳафтасида COVID-19 энгил кечаётган гуруҳ беморларининг 19,0% ида клиник тикланиш аниқланди, оғир кечаётган беморлар гуруҳида бу кўрсаткич 41,6% ($p < 0,001$) ни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО МЕДИЦИНСКОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АХРОРОВА МАЛИКА ШАВКАТОВНА

**ПОКАЗАТЕЛИ МУКОЗА-АССОЦИИРОВАННОЙ ЛИМФОИДНОЙ
ТКАНИ ПОЛОСТИ РТА ПРИ COVID-19 (SARS-CoV-2)-19**

4.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОР ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2022

Тема диссертации на соискание доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.4.PhD/Tib1549.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Ученого совета (www.sammi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Руководитель: **Ризаев Жасур Алимджанович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Шаковец Наталья Вячеславовна**
Доктор медицинских наук, профессор (Беларусь)

Юлдашев Абдуазим Абдувалиевич
Доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Казахский национальный медицинский университет имени С.Ж. Асфендиярова**

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета при Самаркандском государственном медицинском университете DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 в 2022 году «___» _____ часов _____. (Адрес: г. Самарканд, ул. Амира Темура, 18 Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс 6623775 (366); e-mail: olimprorektor@sammi.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского университета (зарегистрирован под номером _____). Адрес: 140100, г. Самарканд, улица Амира Темура, 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс 6623775 (366)

Автореферат диссертации распространен _____ 2022 года.
(Регистрационный протокол № _____ от 2022 г. «___» _____).

Г.У. Лутфуллаев
Заместитель председателя Ученого совета,
доктор медицинских наук, доцент

Г.У. Самиева
Ученый секретарь Ученого совета, доктор
медицинских наук, доцент

К.Э. Шомуродов
Председатель научного семинара при Ученом
совете по присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Коронавирусная болезнь 2019 (COVID-19) в современном мире и связанные с ней осложнения со стороны периферических органов и частое возникновение системных иммунных и цитокиновых реакций в организме представляет собой серьезную, беспрецедентную медико-социальной и экономической проблемой системы здравоохранения, а также признана нерешенной Всемирной организацией здравоохранения (ВОЗ) в глобальную пандемию. По данным ВОЗ, «по состоянию на 6 февраля 2022 года COVID-19 выявлен более чем у 392 миллионов человек на Земле, а число летальных исходов превысило до 5,7 миллиона»¹. Всестороннее понимание сложных патофизиологических механизмов, объясняющих проникновение COVID-19 в клетки человека, и изучение как системных, так и местных иммуновоспалительных реакций — одна из самых сложных и космологических задач, стоящих перед современной вирусологией, но до сих пор не найдено решения.

В настоящее время существует ряд утвержденных глобальных и национальных стратегий диагностики и лечения COVID-19, сертифицированных вакцин, но «учитывая клинические обстоятельства в виде изменений слизистой оболочки полости рта, COVID-19 может вызывать прямое поражение ротовой полости», полости рта, слюнных желез или слизистой оболочки полости рта. Проблема изучения способности к размножению данного проблемы ещё не решена. Известно, что «ангиотензин-модифицирующий фермент 2 типа в различных анатомических областях (ACE-2) рецепторы широко экспрессированы, коронавирус тяжелый острый респираторный синдром 2 (SARS-CoV-2) играет важную роль в проникновении в клетки человека и приводит к повреждению тканей». Однако «рецепторы ACE-2 имеют высокую степень экспрессии на ороговевшей поверхности эпителиальных клеток слизистой оболочки полости рта, особенно в эпителиальных клетках дорсальной части языка» и мы убеждены что ещё в недостатке научных работ, посвященных изучению изменений слизистой оболочки полости рта.

